БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 244 (17.824). • 23 октябрь 1980 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.



Кеча Ватанимиз пойтахти Москвада ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси иш бошлади.

Сессиянинг дастлабки иш кунида «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида» ва «СССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети тўғрисида ҳамда СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида»ги докладлар тингланди.

Шунингдек, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Оқсоқоллар кенгашларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

МОСКВА. КАТТА КРЕМЛЬ САРОЙИ. 1980 йил 22 октябрь. Ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети тўртинчи сессияси. Суратда: Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

СОВЕТ КИШИСИНИНГ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ

КПСС XXVI съездига тайёргарлик Советлар мамлакати меҳнат ва ижтимоий сиёсий турмушининг маромини белгилаб турибди. Ҳамма жойда партия анжуманини муносиб кутиб олиш учун, ўнинчи беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа кенгайиб бормоқда.

Совет кишилари янги, ўн биринчи беш йиллик бўсағасида қилинган ишни якунламоқдалар, коммунистик бунёдкорликнинг янги марраларини белгиламоқдалар. Халқ хўжалиги барча бўғинларининг партия иқтисодий стратегиясини амалга ошириш соҳасидаги фаолияти КПСС Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган Пленумида чуқур, атрофлича анализ қилинди. Пленум қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги нутқида партия билан халқ олдига коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичига мувофиқ келадиган янги масъулиятли вазифалар қўйилди.

Партия ўз съездини халқ билан, чамбарчас бирликда, ички ва ташқи сиёсат соҳасида аниқ ҳаракат программаси билан кутиб олмоқда, деди Леонид Ильич Брежнев Пленумда. Совет кишиларининг фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган бу программани мамлакатимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари тўла-тўкис маъқулламоқдалар. Халқ сайлаб қўйган вакиллар ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг тўртинчи сессиясига Ленин партиясининг режаларини изчиллик билан амалга оширишга қаттиқ аҳд қилиб келдилар.

Сессия 22 октябрь куни эрталаб соат 10 да Катта Кремль саройида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси билан очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, Т. Я. Киселев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқларни гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Депутатлар сессиянинг кун тартибини ва унинг иш тартибини бир овоздан тасдиқладилар.

Муҳокамага қуйидаги масалалар киритилди:

1. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида.

2. СССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида.

3. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Қонун асослари лойиҳаси тўғрисида.

4. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Раислик қилувчи — Иттифоқ Советининг Раиси **А. П. Шитиков** кун тартибининг биринчи бандини кўриб чиқишга киришишни таклиф қилди.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида» СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси депутат **Н. К. Байбаков** доклад қилди. (Доклад газетанинг 2- ва 3- саҳифаларида эълон қилинмоқда).

Сўнгра СССР молия министри депутат **В. Ф. Гарбузов** «СССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети тўғрисида ҳамда СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида» доклад қилди. (Доклад газетанинг 3- ва 4- саҳифаларида эълон қилинмоқда).

Сўнгра сессиянинг иши палаталарнинг алоҳида-алоҳида мажлисларида давом этди. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ИТТИФОҚ СОВЕТИ ВА МИЛЛАТЛАР СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШЛАРИНИНГ МАЖЛИСИ

21 октябрь куни Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Оқсоқоллар кенгашининг қўшма мажлиси бўлди. Бу мажлисда ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети тўртинчи сессиясининг кун тартиби ва иш тартиби масалалари муҳокама қилинди.

Миллатлар Советининг Раиси В. П. Рубен шу масалалар юзасидан ахборот берди. Мажлисни Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Шитиков олиб борди.

Оқсоқоллар кенгашлари мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе иштирок этдилар.

(ТАСС).

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ— ҲАЁТГА!

КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган сермазмун нутқида баён этилган қоида ва хулосалар бутун мамлакатда бўлгани каби республикамиз меҳнатқашларининг ҳам ленинчи Коммунистик партиямизнинг иқтисодий ва социал тараққиёт режаларини бажариш йўлидаги куч ва ғайратларини янада жўш урдириб юборди.

Шаҳар ва қишлоқлардан партиямизнинг хўжалик қурилиши соҳасида тутган йўли ҳар томонлама маъқуллаб кутиб олинаётганлиги, меҳнат аҳлининг КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларига жавобан ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини ва умуман ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш ҳамда бўлажак КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақаси тобора авж олаётганлиги ҳақида келаётган хат-хабарларнинг кети узилмаётир.

* * *

Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида сўзлаган нутқида шу нарсани алоҳида таъкидлади: «Халқ фаровонлигини ошириш аҳоли истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқаришда жиддий силжишлар бўлишини ҳам талаб этади. Бу молларнинг миқдори, жиҳатидан ҳам, сифати, хиллари жиҳатидан ҳам силжишга эришиш зарур».

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси «Б» группасидаги саноат корхоналарини ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Масалан, бизнинг бирлашмамизни олиб кўрайлик. Ҳозирги вақтда бош фабрикани реконструкция қилиш ниҳоясига етай деб қолди. Йил охирига бориб, бу ерда янги ишлаб чиқариш корпусини фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Бу эса ишчилар меҳнат шароитини яхшилаш, технология жараёнини такомиллаштириш ва пировард натижада «Қизил тонг» маркаси қўйилган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш имконини беради.

Тикувчилар савдо-сотиқ корхоналари, харидорлар билан яқин муносабатда бўлиш буюмлар сифатига таъсир қилувчи муҳим омил эканлигига бир неча бор ишонч ҳосил қилдилар. Леонид Ильич Брежнев худди шу ҳақда гапириб ўтди. Бирлашмамиз коллективи «Ўзбекистон» фирма магазини билан, Тошкент марказий универмаги билан амалий алоқалар ўрнатди. Бу эса харидорлар талабини тез ўрганишга ва аҳолининг талаб-эҳтиёжини тўлароқ қондиришга ёрдам беради.

Бирлашма коллективи съезд олди зарбдор вахтасида туриб янги юксак марраларни белгилаб олди. Шахсан мен КПСС XXVI съезди очиладиган кунни 1981 йил 1 кварталги топшириғини бажариш билан нишонлашга қарор қилдим.

Сабри ИНОНОВ,
Тошкентдаги «Қизил тонг» ишлаб чиқариш тикувчилик бирлашмасининг бичиқчиси.

ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛНИНГ ШАХДАМ ОДИМЛАРИ

Ўзбекистон ССР саноатида давлат планининг 1980 йил тўққиз ойи мобайнида бажарилиш якунлари тўғрисида

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

Республика саноат бирлашмалари ва корхоналарининг коллективлари КПСС XXVI съездини, Ўзбекистон Компартияси XX съездини ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, янгидан-янги ишлаб чиқариш муваффақиятларига эришдилар. Маҳсулотнинг умумий ҳажми юзасидан белгиланган тўққиз ойлик план бажарилди. Саноат ишлаб чиқариши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,2 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлиги 4,2 процент ошди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг салкам 60 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

Қора металлургия, машинасозлик ва металл ишлаш, ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати, енгил саноат илдам суръатлар билан ривожланди. Ёқилғи саноати, бинокорлик материаллари саноати, озиқ-овқат саноати янада ривож топди.

Министрликларда маҳсулотнинг умумий ҳажми юзасидан белгиланган планнинг бажарилиши, ишлаб чиқаришни ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	маҳсулот ҳажми юзасидан белгиланган тўққиз ойлик планнинг бажарилиш процента	1980 йил тўққиз ойида 1979 йил тўққиз ойига нисбатан процент ҳисобида	
		ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги
УМУМИТТИФОҚ МИНИСТРЛИКЛАРИ			
Нефть саноати	102	101	99,6
Газ саноати	100,3	108	103
Кўмир саноати	105	105	105
Химия саноати	102	102	96
Электр-техника саноати	101	104	105

(Давоми тўртинчи бетда).

5 850 000 ТОК ОЛТИН ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 22 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (тайёрлашнинг умумий ҳажмига нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

ТОШКЕНТ	0,71	110,05	0,69	107,50
БУХОРО	0,19	108,74	0,26	78,44
ҚАШҚАДАРЁ	0,60	105,61	0,82	91,88
ЖИЗЗАХ	0,85	102,98	0,79	105,66
СУРХОНДАРЁ	0,72	102,66	0,72	89,85
САМАРҚАНД	1,43	100,84	2,08	82,20
СИРДАРЁ	1,17	100,08	0,83	102,15
Хоразм	1,48	95,18	2,40	87,59
ҚҚАССР	1,40	92,51	1,64	85,25
Фарғона	0,94	89,90	1,24	73,75
Андижон	1,11	86,51	1,51	66,97
Наманган	1,51	83,68	1,85	67,83
Республика бўйича:	0,98	96,56	1,23	87,93
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	0,84	91,01	0,95	76,17
Бухоро	0,63	78,80	0,98	40,27
Қашқадарё	1,10	77,88	1,32	57,21
Наманган	1,39	60,00	—	15,34
Республика бўйича:	0,91	85,33	1,04	65,60

ДЎСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан 22 октябрда дўстона визит билан Москвадан Прагага жўнаб кетди.

Аэродромда А. П. Кириленкони КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Д. А. Кунаев ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Прага аэропортида А. П. Кириленкони ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ IV СЕССИЯСИ

СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ҲАМДА СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1980 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДА

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси депутат Н. К. БАЙБАКОВ доклади

Депутат ўртоқлар!

Олий Советнинг ушбу сессияси ўнинчи беш йиллик топшириқларининг бажарилиш якунларини чиқарадиган, мамлакатни коммунистик қурилишнинг навбатдаги босқичида социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш стратегияси ва тактикасини белгилаб берадиган партиямиз XXVI съездига тайёргарлик туфайли умумхалқ сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда ўтмоқда.

Совет халқи съездни Коммунистик партия, унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашиб кутиб олмоқда. КПССнинг меҳнаткашлар ҳаётий манфаатлари ва орзу-умидларини ифодаловчи ленинча ғоя ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқда.

СССР Министрлар Совети ўн биринчи беш йиллигининг биринчи йили — 1981 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг КПСС Марказий Комитети Пленуми асосан маъқуллаган лойиҳасини сизларнинг муҳокамангизга тақдим этади. Ўртоқ Л. И. Брежнев уқтириб ўтганидек, янги беш йилликда экономика структураси ва пропорцияларида катта ўзгаришларни амалга ошириш, таркиб топган тармоқ ва территориал алоқаларни такомиллаштириш, озроқ чиқим қилиб, энг кўп ва энг тез самара олиш мумкин бўлган бўғинларни аниқлаш лозим.

Келгуси йил плани КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларига, партия ва ҳукумат қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида мамлакатимиз моддий-техника базасини такомиллаштиришнинг туб проблемалари юзасидан баён этилган кўрсатмалар ва хулосаларга биноан ишлаб чиқилаётган СССРни 1981—1985 йилларда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари билан узвий боғлиқ равишда тайёрланди. Планда СССР министрликлари ва идораларининг, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг таклифлари ҳам акс эттирилди.

КПСС Марказий Комитетининг кечаги Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев ўн биринчи беш йиллик арафасида халқ хўжалигининг ҳолатини чуқур таҳлил этди, келгусидаги хўжалик ва социал-маданий ривожланишнинг энг муҳим вазифаларини ўртага қўйди. Ишлаб чиқарувчи кучларни ва халқ фаровонлигини янада юксалтириш шу вазифаларнинг бажарилишига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади, шу вазифалар ҳамиша партия, совет, касаба союз ва хўжалик органлари, барча меҳнаткашлар амалий фаолиятининг марказида туриши лозим.

1980 ЙИЛГИ ПЛАННИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ

Умуман беш йилликнинг якунлари КПСС XXVI съездида батафсил кўриб чиқилади, аммо шу даврнинг ичида совет халқи КПСС XXIV ва XXV съездларида белгилаб берилган партиянинг узоқ муддатли иқтисодий стратегиясини рўёбга чиқаришда янги муваффақиятларга эришганлигини ҳозирнинг ўзидаёқ айтиш мумкин. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг фидокорона меҳнати туфайли мамлакатнинг илмий-техникавий ва иқтисодий потенциали анча ўсди, унинг совет халқи тинч бунёдкорлик меҳнатини пишиқ-пухта ишлаш қилишни гарантиялайдиган мустаҳкамланди. Ўтган беш йил мобайнида социал ривожланиш катта программаси амалга оширилди, меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари йил сайин тобора тўлиқроқ қондирилмоқда, социалистик турмуш тарзи такомиллаштирилмоқда.

Социалистик ҳамдўстликдаги қардош мамлакатлар билан сиёсий бирлик мустаҳкамланди, ҳар томонлама иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалар кенгайтирилди, социалистик ҳамдўстликнинг халқаро майдондаги ролн ва обрў-эътибори муттасил ўсиб бормоқда.

Совет экономикасининг ривожланиш натижалари миллий даромаднинг ўсишида ўзининг умумлашма ифодасини топиши маълум. 1979 йилга нисбатан миллий даромад 1980 йилда 3,8 процент кўпаяди ва 436 миллиард сўмликдан ошиб кетади. Шу маблағнинг бешдан тўрт қисми уй-жой ва социал-маданий қурилиш чиқимларини ҳисобга олганда бевосита халқ фаровонлигини таъминлашга сарфланди.

Бу йил саноат ишлаб чиқариши ҳажми 4 процент ёки 24 миллиард сўмликдан ошиб ортди. Партия XXV съезди қарорларига мувофиқ машинасозлик, химия, нефть химияси, газ саноати ва фан-техника тараққиётини белгиловчи бошқа бир қанча тармоқлар илдам суръатлар билан ривожлантирилди.

Саноатда маҳсулотни кўпайтиришнинг тўртдан уч қисмидан кўпроғи меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинади.

КПСС аграр сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда, бу сиёсат аҳолининг озиқ-овқатга ва саноатнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжларини таъминловчи мана шу энг муҳим тармоқни тез юксалтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Ишларнинг бутун комплекси бўйича қишлоқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағ ҳажми 36,2 миллиард сўмни ташкил этади ёки шу мақсадга 1979 йилда сарфланган маблағдан 3 процент ортади.

Бу йил қишлоқ меҳнаткашларининг иши мамлакатнинг бир қанча районларидаги ноқулай об-ҳаво шароитлари натижасида 1977—1979 йиллардаги сингари жуда мураккаблашди. Шунга қарамай колхоз ва совхозлар бу беш йилликда аввалги беш йилликка нисбатан қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажмини 9 процент кўпайтиришга эришдилар. Дон етиштириш 12 процент ортди. Пахта, деҳқончиликнинг бошқа турдаги маҳсулотлари, гўшт, сут, тухум, жун етиштириш ва харид қилиш ҳам кўпайди.

Давлат транспортни ривожлантиришга катта маблағ сарфлямоқда. 1980 йилда умумий юк оборoти 1979 йилга нисбатан 4,2 процент кўпаяди. Бироқ шуни айтиш керакки, темир йўл транспорти юк ҳамда пассажир ташиш ва юклани истеъмолчиларга етказиб бериш топшириқларини тўлиқ уддалай олмаяпти, бу эса бир қанча ҳолларда ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳалақит бермоқда. Мамлакатда капитал қурилишнинг катта программаси амалга оширилмоқда. Бу йил капитал маблағ ҳажми 134 миллиард сўмга етади ёки 1979 йилдагидан 2,7 процент ортади. 1981 йилнинг бошларида мамлакатнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари 1,1 триллион сўмликдан ошади.

Докладчи социал ривожланиш ва халқнинг турмуш даражасини янада ошириш программаси қандай юзага чиқарилаётганини гапириб берди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар ўтган йилга нисбатан пландаги 2,9 процент ўрнига 3 процент кўпаяди, ишчи ва хизматчиларнинг, колхозчиларнинг пул билан оладиган ўртача иш ҳақи ортади. 1980 йилда ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва имтиёзлар 116,5 миллиард сўмга етади. Чакана товар оборoти булутургига нисбатан 5 процент ортиб, тахминан 267 миллиард сўмликка етади, аммо озиқ овқат ва саноат молларининг айрим турларига бўлган талаб ҳали ҳам тўла-тўкис қондирилмаяпти, деб уқтирди докладчи.

1980 йилда 10 миллиондан кўпроқ киши янги квартиралар олади ва ўзининг уй-жой шароитларини яхшилайди. Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига умумий саҳни 108 миллион квадрат метрдан ортадиган уй-жой бинолари фойдаланиш учун топширилади.

Соғлиқни сақлаш, маориф, маданиятни ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилашда катта муваффақиятларга эришилди.

Мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш йўли билан боришини таъминлашлари лозим.

СССР Кўмир саноати министрлиги олдида катта вазифалар турибди. Кўмир қазиб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилиши ва ўзлаштирилиши, шахтанинг техника билан таъминланиш даражаси ва айниқса Кузнецк, Қарағанда, Экибастуз, Канск-Ачинск ҳавзаларида машина-ускуналардан фойдаланиш самарадорлиги оширилиши керак.

Докладчи хўжаликнинг ҳамма соҳаларида ёқилғи ресурсларидан янада оқилона фойдаланишга интилиш, унумсиз чиқимлар ва исроф-гарчиликларни тугатиш зарурлигини уқтириб ўтди. У КПСС Марказий Комитетининг қора, рангли металлургия ва химия саноати корхоналари коллективларининг иккиламчи ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги иш тажрибасига бағишланган қарорини ҳам эслатиб ўтди. Мазкур ресурсларнинг ишлаб чиқаришга жалб этилиши халқ хўжалигининг ёқилғи ва энергияга ошиб бораётган эҳтиёжларини пухта равишда таъминлашнинг энг муҳим омилларидан биридир.

Халқ хўжалигининг узлуксиз, пропорционал ривожланиши кўп жиҳатдан **қора ва рангли металлургия**га боғлиқдир, деди сўзини давом эттириб Н. К. Байбаков. Шу тармоқларнинг техника базасини такомиллаштириш, металл маҳсулотининг илғор ва тежамли турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўзда тутилган. 1981 йилда қора металларнинг тайёр прокатини ишлаб чиқариш 109,2 миллион тоннага ва пўлат қувурлар ишлаб чиқариш 18,5 миллион тоннага етказилади. Прокатнинг 140 та янги профили ўзлаштирилиши, совуқ усулда катанка қилинган тахта пўлат, оз легирланган пўлатдан прокат ишлаб чиқариш кўпайтирилиши лозим, бу эса халқ хўжалигида металлни тежаб-тергаб ишлатиш учун ғоят муҳимдир.

Рангли металлургияда алюминий, мис, никель ва бошқа металлар ишлаб чиқариш ортади.

1981 йилда **химия ва нефть химияси саноатини** илдам ривожлантириш белгиланган. Бу тармоқнинг маҳсулоти 5 процент кўпаяди.

Планда минерал ўғит ишлаб чиқаришни 5,4 процент кўпайтириб, 113,8 миллион тоннага етказиш белгиланган. Синтетик смола ва пластмасса ишлаб чиқариш 12 процент ортиб, 4,3 миллион тоннага етади. Шу билан бирга халқ хўжалигига зарур бўлган полистирол, полиэтилен ва бошқа турдаги пластмасса маҳсулоти ишлаб чиқариш анча кўпаяди. Химиявий тола ишлаб чиқариш деярли 1,3 миллион тоннага етади ёки 1980 йилга нисбатан 51 минг тонна кўпаяди.

Химия ва нефть химияси саноатини ривожлантиришда тармоқлар ичида жиддий номутаносиблик вужудга келди, шунинг оқибатида маҳсулотнинг кўпгина тахчил турларини ишлаб чиқариш қувватларидан етарли равишда фойдаланилмаяпти. СССР Химия саноати министрлиги билан Нефть химияси саноати министрлигининг раҳбарлари ўзларига ажратиб берилаётган катта капитал маблағдан, моддий ва молиявий ресурслардан янада оқилона фойдаланишлари керак.

Ўрмон ва ёғочсозлик саноатида ёғоч тайёрлаш ҳажми кўпайтирилади. Ўрмон хом ашёсидан янада тўла-тўкис фойдаланиш туфайли ёғоч қириндисидан ва ёғоч толасидан плиталар, картон, технология тарашаси ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан кўпаяди.

Целлюлоза-қоғоз саноатида целлюлоза ишлаб чиқариш 8 процент, қоғоз ишлаб чиқариш 5,2 процент, картон ишлаб чиқариш 9 процент ортади. Маҳсулот турлари кўпаяди ва яхшиланади. СССР Ўрмон саноати министрлиги билан Темир йўллар министрлиги целлюлоза-қоғоз комбинатларига ёғоч хом ашёни бир маромда етказиб беришни таъминлашлари керак.

Капитал қурилиш учун, асосий фондларни ремонт қилиш ва бошқа эҳтиёжлар учун зарур **бинокорлик материаллари** ишлаб чиқаришни кўпайтириш белгиланмоқда. 128,5 миллион тонна цемент, 285 миллион квадрат метрдан кўпроқ қурилиш ойнаси, 8 миллиарддан ортиқ шартли тахта миқдорида шифер ишлаб чиқарилади.

Машинасозлик ва металл ишлаш маҳсулотининг ҳажми 6,1 процент кўпаяди. Халқ хўжалиги тармоқларининг техникавий даражасини ошириш учун машинасозлик маҳсулоти структурасини яхшилаш белгиланди, бирламчи қуввати катта бўлган агрегатлар ва машиналар, автомат ва ярим автомат линиялар ишлаб чиқариш кенгайтирилади.

Машинасозлар машина ва ускуналарнинг, комплект технология линияларининг, асосан заводда тайёрланган ва монтаж қилишга тайёр бўлган агрегатлар ҳамда қурилмаларнинг серунум ва тежамли турларини ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштиришлари ва кенгайтиришлари, шунингдек асбоб-ускуналарни йиғиш ва созлаш ишларини ўтказишлари, бу ишнинг сифати, ўз вақтида лойиҳа қуввати даражасига етиши учун жавоб беришлари лозим.

Қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун тракторлар, дон комбайнлари, чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машиналари ҳамда бошқа машина-механизмлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш белгиланган.

КПСС Марказий Комитети билан ҳукуматнинг қарорларига биноан ишчиларни оғир ва сермеҳнат ишлардан халос қилиш, юк ортиш-туширишни ишларини ва транспортдаги операцияларни механизациялаш даражасини ошириш имконини берадиган машина-механизмлар ишлаб чиқариш ортади.

Халқнинг турмуш даражасини ошириш, унинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш **халқ истеъмол қиладиган моллар** ишлаб чиқарувчи тармоқларни ривожлантириш билан бевосита боғланган. **Енгил саноат** маҳсулоти ишлаб чиқариш 4,3 процент кўпаяди. Чит, сурп, сатин группасига кирувчи ип газламалар, шунингдек жун газламалар, трикотаж, гилам ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожлантирилади. Яхши пардоз берилган ва химиявий толалар қўшиб тўқилган газламалар, янги структурадаги ранг-баранг газламалардан тикилган модали кийим-кечаклар, моделли пойафзал ва аҳоли кўплаб талаб қилаётган бошқа моллар кўпроқ тайёрланади.

Енгил саноат ходимлари машина-ускуналардан фойдаланишни доимо яхшилашлари, янги объектлар ва корхоналарни ўзлаштиришни тезлаштиришлари, юқори сифатли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришлари, аҳолининг талаби ўзгаришини ўз вақтида эътиборга олишлари, савдо билан алоқани такомиллаштиришлари керак.

Планда **озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати** корхоналари маҳсулотининг ҳажмини 5,1 процент кўпайтириш кўзда тутилган. Қанд-шакар, мевасабзавот консервалари, сариёғ ва ўсимлик ёғи, гўшт, пишлоқ, маргарин ишлаб чиқариш ортади. Консерва, кондитер ва нон маҳсулотлари, ёрмадан тайёрланган маҳсулотлар, гўшт ва балиқдан ярим тайёр масаллиқларнинг турлари кўпайтирилади. Кўл ва ҳовузлардан балиқ овлаш 11 процент оширилади.

Маданий-маиший моллар ва хўжалик ашёлари ишлаб чиқариш 46 миллиард сўмликдан ортиқ миқдорда белгиланди. Мебель, катта ҳажмдаги холодильниклар, рангли телевизорлар, соатлар, фотоаппаратлар, электр пилесослар, чинни-фаянс идишлар, маиший химия моллари ва бошқа маҳсулотларнинг турлари хилма-хил бўлади ва уларни ишлаб чиқариш кўпаяди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Коммунистик партия, Совет ҳукумати озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга биринчи даражали аҳамият бермоқдалар. Бу масаланинг муҳимлигини ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумида яна бир бор таъкидлади. Партия қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун мамлакатнинг индустриал потенциалидан кенг фойдаланиш программасини изчиллик билан амалга оширмоқда.

1981 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳамма турларини етиштириш ва ҳарид қилишни янада кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотини кўпайтиришга асосан экинларнинг ҳосилдорлигини, чорва ва парранда маҳсулдорлигини ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ундан яхшироқ фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш ва химиялаштиришни кенг йўлга қўйиш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш йўли билан эришилмоғи лозим. Ем-хашак етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш вазифаси биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Қишлоқдаги капитал қурилиш катта миқёсларда амалга оширилади. Ишларнинг бутун комплекси юзасидан капитал маблағ ҳажми 37,3 миллиард сўм миқдорида, яъни бу йилгидан 2 процент ортиқ қилиб белгиланди. Ем-хашак базасини мустаҳкамлашга ва гўшт етиштиришни кўпайтиришга, сабзавот ва картошка омборлари, уруғлик ва ембоп дон омборлари қурилишига қилинадиган харажатнинг улуши ортади. Капитал маблағнинг учдан бир қисмига яқини машина ва ускуналар сотиб олишга мўлжалланади. Қишлоқ хўжалиги 88,6 миллион тонна, яъни 1980 йилга нисбатан 3,5 миллион тонна кўп минерал ўғит олади. Давлат капитал маблағи ҳисобига 700 минг гектардан кўпроқ суғориладиган ер экинзорга айлантирилади, 770 минг гектар ернинг зараҳи қочирилади, қарийб 6 миллион гектар яйловга сув чиқарилади.

Планда колхозчиларнинг, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий томорқа хўжалигини ривожлантиришга эътибор берилган. Аҳолига концентрат ем, чўчқа боласи, жўжа, ўғит сотиш кўпайтирилади. Колхоз ва совхозлар ем-хашак тайёрлашда, томорқа ерларини ишлашда, ортиқча маҳсулотни реализация қилишда аҳолига ёрдам берадилар. Бундан ташқари мавжуд маҳаллий ресурслардан фойдаланиб саноат, қурилиш, транспорт корхоналари ва бошқа корхоналарнинг ёрдамчи қишлоқ хўжалиги ривожлантирилиши ҳам зарур. Мана шуларнинг ҳаммаси аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондиришда муҳим роль ўйнайди.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Халқ хўжалиги ва аҳолининг транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун пландаги ҳамма турдаги транспортнинг юк оборотини 2,6 процент кўпайтириш белгиланган. Транспортнинг ва аввало темир йўлларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Шу тарифа йўлларда юк ва пассажир ташиш имкониятини ошириш, локомотив ва вагон паркларидан янада самарали фойдаланиш мумкин бўлади.

Темир йўллар министрлиги ва йўллар бошқармалари, шунингдек темир йўлларнинг ҳаракат составидан фойдаланувчи министрликлар ва идоралар жуда катта транспорт механизмининг ҳамма бўғинларида қатъий интизомга риоя қилишини, локомотив ва вагон паркларидан оқилона фойдаланишни, ишгор меҳнат усулларини жорий этишни таъминлашлари керак.

Халқ хўжалигининг автомобиль билан таъминланиши тобора ошиб бораётганлиги автомобиль йўллари тармоғини доимо кенгайтириш ва такомиллаштиришни талаб қилади. 21 минг километр автомобиль йўли қуриш, автомобиль магистралларида техникавий хизмат станцияларини, мотелларни, умумий овқатланиш корхоналарини ривожлантиришни давом эттириш мўлжалланмоқда.

Аэрофлот янги, янада роҳатижон самолётлар олади, учиш-қўниш йўлкалари тармоғи кенгайтирилади, пассажирларга хизмат қилиш яхшиланади, алоқа, радио эшиттириш ва телевидение воситаларини ривожлантириш соҳасида анчагина иш қилинади.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари юзасидан халқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағ 140,2 миллиард сўм миқдорида ёки 1980 йилда кутилаётганидан 4,5 процент ортиқ қилиб белгиланди. Бунда давлат капитал маблағи 124,1 миллиард сўмга етади ва 5,2 процент кўпаяди.

Капитал маблағ планини тузишда халқ хўжалигининг ёқилғи, металл, машина ва ускуналарга, минерал ўғитга, транспортда юк ташишга, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва асрайдиган қувватларга бўлган эҳтиёжларини тобора тўла-тўкис қондириш зарурлиги ҳисобга олинди.

Машинасозликда техника тараққиётини белгилайдиган тармоқларда, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва унинг маҳсулотини қайта ишлаш учун машина-механизмлар ишлаб чиқарадиган тармоқларда капитал маблағни кўпайтиришнинг энг юқори суръатлари кўзда тутилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш объектлари қурилишига ҳамда уни моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантиришга давлат капитал маблағи салкам 6 процент кўпайтирилади.

Ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларини ривожлантиришга сарфланадиган капитал маблағ уй-жой, коммунал ва маданий-маиший қурилишни кенг миқёсда давом эттириш имконини беради.

Планда капитал маблағ структурасини яхшилаш кўзда тутилганини докладчи таъкидлаб ўтди. Машина-ускуналарга қилинадиган чиқим улуши 1981 йилда 39 процентгача кўпайтирилади.

ФАН ВА ТЕХНИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш — совет экономикасини муваффақиятли ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг энг асосий шартларидан биридир. Мана шу энг муҳим проблемани ҳал этишда фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини мустаҳкамлаш, илмий ишларнинг ва лойиҳавий ечимларнинг сифатини ошириш ва шу ишларни жадаллаштириш, уларнинг натижаларини оммавий ишлаб чиқаришга тез жорий этиш биринчи даражали роль ўйнайди.

Янги техникавий воситаларни кенг миқёсда ўзлаштириш, ишлаб чиқариш технологиясини янада такомиллаштириш, уни механизациялаш ва автоматлаштириш даражасини ошириш белгиланди. Маҳсулотнинг янги муҳим турларини ўзлаштириш юзасидан 750 дан ортиқ топшириқ ва салкам 280 та илғор технология жараёнлари, механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари жорий этиш топшириғи давлат планига киритилди.

Қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ишлари механизациялаш ва автоматлаштиришнинг ғоят самарали воситаларини, ер ишлаш усулларини, ўсимликларнинг янги ҳимоятларини ва чорва зотларини етиштиришнинг генетик методларини ишлаб чиқиш кўзда тутилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини асраш, қайта ишлаш учун ҳам фан-техниканинг энг янги ютуқларидан фойдаланилади.

Миллий даромад 3,4 процент ўсгани ҳолда илмий тадқиқот ишларини пул билан таъминлашга 22,6 миллиард сўм, яъни 1980 йилга нисбатан 6 процент кўп маблағ ажратилади.

1981 ЙИЛДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ, СУРЪАТЛАРИ ВА ПРОПОРЦИЯЛАРИ

1981 йилги Давлат плани қойиҳасини тузишда партиянинг ҳозирги шароитда СССРни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг бош вазифалари тўғрисидаги кўрсатмалари асос қилиб олинди. «Етмишинчи йилларда, деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев, биз бутун экономикани интенсив ривожланиш, самарадорлик ва сифатни ошириш, хўжалик фаолиятининг пировард натижаларига асосий эътиборни қаратиш тарафига бура бошладик. Саксонинчи йилларда биз партия иқтисодий стратегиясининг ўзагини ташкил этувчи мана шу ғоят муҳим ишни давом эттиришимиз ва тугаллашимиз лозим».

Бундан буёнги хўжалик қурилишининг катта йўлини белгиловчи шу принципиал йўлга мувофиқ 1981 йил планининг асосий вазифалари:

— фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, Давлат план интизомини мустаҳкамлаш, халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқариш системасини такомиллаштириш негизида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини интенсивлаш ва ошириш йўлини давом эттиришдан;

— саноатнинг базавий тармоқлари — энергетика, металлургия ва машинасозлик, химия, шунингдек транспортни модернизациялашни жадаллаштиришдан;

— халқ хўжалигини, унинг айрим тармоқларини ва иқтисодий районларни ривожлантиришда балансликни ва комплекслиликни кучайтиришдан;

— халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида жуда қаттиқ иқтисодий тежашни изчиллик билан амалга оширишдан иборат.

1981 йилда истеъмол ва жамғарма учун фойдаланиладиган миллий даромад ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилига нисбатан 3,4 процент ёки 15 миллиард сўмлик миқдорида ортади.

Саноат ишлаб чиқариши 4,1 процент, шу жумладан «А» группасида 4,1 процент, «Б» группасида 4,2 процент кўпаяди. Саноатнинг иккала группасидаги ривожланишнинг белгиланган нисбати халқ хўжалик структурасини такомиллаштиришга, ишлаб чиқариш тармоқларининг моддий ресурсларга эҳтиёжларини планли равишда қондиришга ва аҳолининг тўлов қобилияти талабини таъминлашга қаратилган.

1981 йилда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳажми 135,4 миллиард сўм миқдорида кўзда тутилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни янада яхшилаш, уни ривожлантиришга сарфланадиган жуда катта маблағдан янада оқилона фойдаланиш юзасидан планда кўйилган вазифаларнинг бажарилиши колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро бирлашмалар фаолиятининг пировард натижаларини анча яхшилашга олиб бориши лозим.

1981 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш суръатлари ва пропорциялари ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, аввало ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириқлари билан узвий равишда боғланган. 1981 йилда саноат маҳсулотини кўпайтиришнинг 90 процентга яқини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини кўпайтиришнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан олиниши белгиланди.

Планда маҳсулотнинг энг муҳим турларига ишлатиладиган материални қисқартириш, металлдан фойдаланиш коэффициентини ошириш топшириқлари белгиланган. Планга иккиламчи хом ашёдан фойдаланиш бўлими биринчи марта киритилди.

Ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш, реконструкция қилишга ва кенгайтиришга 1980 йил планида белгиланганидан 11 процент кўп маблағ ажратилади. Машиналар, асбоб-ускуналар, приборлар ва материалларнинг, илғор технология жараёнларининг кўп миқдордаги янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилади.

Келгуси йилда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ҳамда хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади.

САНОАТ

Планда саноатни янада ривожлантириш кўзда тутилган. Саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 653 миллиард сўмлик бўлади.

Ёқилғи-энергетика комплекси қувватларини кўпайтиришга, унинг структурасини яхшилашга катта эътибор берилади. 1335 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Атом ва гидроэнергетикани ривожлантиришга асосий эътибор берилади. Экибастуз ва Канск-Ачинск конларининг арзон кўмиридан ва Ғарбий Сибирда нефть қўшилиб чиқадиган газдан фойдаланиш негизида ишлайдиган иссиқлик электр станциялари қурилиши кенгайтирилади.

Нефть ва газ конденсати қазиб олиш 610 миллион тоннага, табиий газ қазиб олиш 458 миллиард кубометрга, кўмир қазиб чиқариш 738 миллион тоннага етказилади. Ғарбий Сибирь аввалгидек нефть қазиб олинадиган асосий район бўлади. Коми АССР ва Удмуртия АССРда, Сахалин областида ва бошқа баъзи районларда нефть қазиб олиш миқдори ҳам кўпайтирилади. Газ қазиб олишни кўпайтиришнинг ҳаммаси Ғарбий Сибирь ҳисобига таъминланади, бу район қазиб олинадиган жами газнинг 42 процентини беради.

Нефть саноати министрлиги, Газ саноати министрлиги, Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлиги, Саноат корхоналари қурилиши министрлиги янги конлардаги объектлар қурилишини, газ ва нефть қувурлари, насос ва компрессор станциялари, газни қайта ишлаш корхоналарини ишга туширишни жадаллаштиришлари, мазкур районларда инфраструктурани ўз вақтида барпо этишни, уй-жой ва коммунал-маиший қурилиш программасини амалга оширишни таъминлашлари лозим.

СССР Кўмир саноати министрлиги олдида катта вазифалар турибди. Кўмир қазиб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилиши ва ўзлаштирилиши, шахтанинг техника билан таъминланиш даражаси ва айниқса Кузнецк, Қарағанда, Экибастуз, Канск-Ачинск ҳавзаларида машина-ускуналардан фойдаланиш самарадорлиги оширилиши керак.

Докладчи хўжаликнинг ҳамма соҳаларида ёқилғи ресурсларидан янада оқилона фойдаланишга интилиш, унумсиз чиқимлар ва исроф-гарчиликларни тугатиш зарурлигини уқтириб ўтди. У КПСС Марказий Комитетининг қора, рангли металлургия ва химия саноати корхоналари коллективларининг иккиламчи ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги иш тажрибасига бағишланган қарорини ҳам эслатиб ўтди. Мазкур ресурсларнинг ишлаб чиқаришга жалб этилиши халқ хўжалигининг ёқилғи ва энергияга ошиб бораётган эҳтиёжларини пухта равишда таъминлашнинг энг муҳим омилларидан биридир.

Халқ хўжалигининг узлуксиз, пропорционал ривожланиши кўп жиҳатдан **қора ва рангли металлургия**га боғлиқдир, деди сўзини давом эттириб Н. К. Байбаков. Шу тармоқларнинг техника базасини такомиллаштириш, металл маҳсулотининг илғор ва тежамли турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўзда тутилган. 1981 йилда қора металларнинг тайёр прокатини ишлаб чиқариш 109,2 миллион тоннага ва пўлат қувурлар ишлаб чиқариш 18,5 миллион тоннага етказилади. Прокатнинг 140 та янги профили ўзлаштирилиши, совуқ усулда катанка қилинган тахта пўлат, оз легирланган пўлатдан прокат ишлаб чиқариш кўпайтирилиши лозим, бу эса халқ хўжалигида металлни тежаб-тергаб ишлатиш учун ғоят муҳимдир.

Рангли металлургияда алюминий, мис, никель ва бошқа металлар ишлаб чиқариш ортади.

1981 йилда **химия ва нефть химияси саноатини** илдам ривожлантириш белгиланган. Бу тармоқнинг маҳсулоти 5 процент кўпаяди.

Планда минерал ўғит ишлаб чиқаришни 5,4 процент кўпайтириб, 113,8 миллион тоннага етказиш белгиланган. Синтетик смола ва пластмасса ишлаб чиқариш 12 процент ортиб, 4,3 миллион тоннага етади. Шу билан бирга халқ хўжалигига зарур бўлган полистирол, полиэтилен ва бошқа турдаги пластмасса маҳсулоти ишлаб чиқариш анча кўпаяди. Химиявий тола ишлаб чиқариш деярли 1,3 миллион тоннага етади ёки 1980 йилга нисбатан 51 минг тонна кўпаяди.

Химия ва нефть химияси саноатини ривожлантиришда тармоқлар ичида жиддий номутаносиблик вужудга келди, шунинг оқибатида маҳсулотнинг кўпгина тахчил турларини ишлаб чиқариш қувватларидан етарли равишда фойдаланилмаяпти. СССР Химия саноати министрлиги билан Нефть химияси саноати министрлигининг раҳбарлари ўзларига ажратиб берилаётган катта капитал маблағдан, моддий ва молиявий ресурслардан янада оқилона фойдаланишлари керак.

Ўрмон ва ёғочсозлик саноатида ёғоч тайёрлаш ҳажми кўпайтирилади. Ўрмон хом ашёсидан янада тўла-тўкис фойдаланиш туфайли ёғоч қириндисидан ва ёғоч толасидан плиталар, картон, технология тарашаси ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан кўпаяди.

Целлюлоза-қоғоз саноатида целлюлоза ишлаб чиқариш 8 процент, қоғоз ишлаб чиқариш 5,2 процент, картон ишлаб чиқариш 9 процент ортади. Маҳсулот турлари кўпаяди ва яхшиланади. СССР Ўрмон саноати министрлиги билан Темир йўллар министрлиги целлюлоза-қоғоз комбинатларига ёғоч хом ашёни бир маромда етказиб беришни таъминлашлари керак.

Капитал қурилиш учун, асосий фондларни ремонт қилиш ва бошқа эҳтиёжлар учун зарур **бинокорлик материаллари** ишлаб чиқаришни кўпайтириш белгиланмоқда. 128,5 миллион тонна цемент, 285 миллион квадрат метрдан кўпроқ қурилиш ойнаси, 8 миллиарддан ортиқ шартли тахта миқдорида шифер ишлаб чиқарилади.

Машинасозлик ва металл ишлаш маҳсулотининг ҳажми 6,1 процент кўпаяди. Халқ хўжалиги тармоқларининг техникавий даражасини ошириш учун машинасозлик маҳсулоти структурасини яхшилаш белгиланди, бирламчи қуввати катта бўлган агрегатлар ва машиналар, автомат ва ярим автомат линиялар ишлаб чиқариш кенгайтирил

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ IV СЕССИЯСИ

СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ҲАМДА СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1980 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДА

СОЦИАЛ РИВОЖЛАНИШ ВА ХАЛҚНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

Халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада ошириш тадбирлари белгиланди. Миллий даромад ресурсларини, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни ва манший хизмат ҳажмини ўстиришнинг планлаштирилаётган даражаси аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадларни 2,9 процент ошириш имконини беради. Ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ойлик иш ҳақи 171 сўмга, колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ўртача ойлик ҳақ эса 123 сўмга етказилади. Ижтимоий истеъмол фондлари 1981 йилда 121,5 миллиард сўмни ташкил қилади.

Мамлакат районларида қурилиш ва темир йўл транспортидаги асосий фаолият ходимларининг узоқ йил ишлаганлиги учун қўшимча ҳақ тўлашни жорий этиш давом эттирилади. Бундай тўловлар Темир йўллар министрлиги саноат корхоналарининг ходимлари учун ҳам жорий қилинади. Айрим тармоқларда ва мамлакатнинг айрим районларида иш ҳақига район коэффициентлари анча кенг миқёсда қўлланиладиган бўлади. Дарё транспортининг асосий фаолияти ходимларига тунги иш учун қўшимча ҳақ қўпайтирилади ва бошқа имтиёзлар белгиланади. Қишлоқ жойлардаги участка касалхоналари ва амбулаторияларининг врачларига, шаҳар поликлиникаларининг участка терапевтлари ва педиатрларига ҳамда соғлиқни сақлаш бошқа баъзи муассасаларининг бир қанча категориядаги врачларига мазкур соғлиқни сақлаш муассасасида уч йилдан ортиқ узлуксиз ишлаганлиги учун иш ҳақига ойлик устама жорий этилади.

Болали оилаларга ёрдамни кучайтиришга ва аҳолини пенсия билан таъминлашни яхшилашга оид бир қатор тадбирлар кўзда тутилди.

Давлат ички заёмларининг илгари чиқарилган облигациялари ҳақини тўлаш давом эттирилади.

Аҳолининг даромади ва халқ истеъмол қиладиган моллар ресурслари кўпайишини ҳисобга олиб, давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборoти 280 миллиард сўмлик ҳажмда ялпи бу йилгидан 4,9 процент кўп қилиб белгиланди.

Уй-жой қурилиши программасини амалга ошириш давом эттирилади. Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига жами аҳоли 108,9 миллион квадрат метр келадиган уй-жой бинолари қуриш белгиланди. Бу эса 10 миллиондан ортиқ кишининг уй-жой шароитларини яхшилаш имконини беради. Шаҳарда яшовчи ҳар бир кишининг квартиралар умумий саҳни билан ўртача таъминланиши 13 квадрат метрга етказилади.

Планда қишлоқлардаги уй-жой ва маданий-маиший қурилиш ҳажмини 6,9 миллиард сўмликкача етказиш мўлжалланди. Колхоз ва совхозлардаги уй-жой бинолари шахсий томорқа хўжалигини юритиш учун ҳовлидаги хўжалик иморатлари билан комплекс тарзда қурилади.

Коммунал хўжаликни кенгайтириш учун 17 минг километрдан зиёд водопровод, канализация, иссиқлик ва газ тармоқлари қурилиши лозим.

Халқ маорифи, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш янада ривож топади.

Давлат капитал маблағи ва коммунистик шанбаликлардан тушган маблағ ҳисобига 900 минг ўринли умумий таълим мактаблари, шу жумладан қишлоқ жойларда 424 минг ўринли, колхозларнинг маблағи ҳисобига эса 140 минг ўринли умумий таълим мактаблари қуриш белгиланди. Кундузги умумий таълим мактабларида 1981/82 ўқув йилида 39 миллиондан ортиқ киши таълим олади. Куни узайтирилган мактаблар ва группаларга 11 миллиондан ортиқ ўқувчи қатнайдиган бўлади.

Доимий мактабгача тарбия муассасалари, жумладан колхозлардаги шундай муассасалар 15 миллиондан ортиқ болани қабул қилади.

1981 йилда ҳамма типдаги ҳунар-техника билим юртларида қариб 2,4 миллион малакали ишчи тайёрланади. 2,1 миллион олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассис тайёрлаб чиқарилади.

Давлат капитал маблағи ва коммунистик шанбаликлардан тушган маблағ ҳисобига янги касалхоналар ва амбулатория-поликлиника муассасалари қурилади. Санаторийлар, пансионатлар, дам олиш уйлари, туристик муассасалар, пионер лагерлари кўпайтирилади ва кенгайтирилади.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

Коммунистик партия билан Совет ҳукумати табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш сингари муҳим иқтисодий ва социал проблемага катта эътибор бермоқдалар. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига давлат капитал маблағидан 1,8 миллиард сўм сарфлаш белгиланди, деди докладчи. Корхоналар, колхозлар ҳамда бошқа хўжаликлар ва жамоат ташкилотлари ҳам бу ишга катта маблағ ажратадилар.

Бундан ташқари ўрмонларни кўпайтиришга, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва қўриқлашга давлат бюджетидан 950 миллион сўм сарф қилинади.

Тозалаш иншоотлари қурилиши билан бирга планда табиий муҳитни булганишдан ҳимоя қилиш учун биосферага зарарли моддалар чиқарилишига йўл қўймайдиган ёки уни камайтирадиган технология жараёнларини барпо этишдек муҳим тадбир белгиланган.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУЧЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Яхлит халқ хўжалик комплексининг таркибий қисми бўлмиш ҳар бир иттифоқдош республика ўз хўжалигининг таркиб топган ихтисослашувига яраша мамлакат экономикасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Докладчи ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва уларнинг хўжалигини ривожлантиришнинг баъзи масалалари тўғрисида гапирди.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида давлатнинг фаолияти СССР ва бутун социалистик ҳамдўстлик экономикасини мустаҳкамлашга, жаҳон социализм системаси мамлакатларини жипслаштиришга, тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш манфаатларини кўзлаб халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

1981 йилда Совет Иттифоқининг ташқи савдосида социалистик мамлакатларнинг устунлик роли сақланиб қолади, уларнинг СССР ташқи савдо оборотидаги салмоғи бу йилги 52 процентдан 55 процентга етади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ўзаро мол етказиб бериш бизнинг мамлакатларимиз экономикасини ривожлантириш давлат планларини мувофиқлаштиришга оид тузилган битимлар асосида белгиланди. СССРда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар иштирокида корхоналар ва объектлар қуриш давом эттирилади.

Совет Иттифоқи Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ҳамкорликда кўп томонлама ва икки томонлама асосда бир қанча йирик илмий-техникавий программаларни ишлаб чиқади.

Социалистик мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган ана шу тадбирларнинг ҳаммаси алоҳида ҳар бир мамлакат ва умуман социалистик системанинг туб манфаатларига мос бўлиб тушади.

Совет Иттифоқи саноат корхоналари ва бошқа объектлар қурилишида, геология разведка ишларини ўтказишда чет элларга техникавий кўмак бераверади.

Капиталистик мамлакатлар билан, жумладан ГФР, Япония, Франция, Финляндия, Швеция билан ва саноат жиҳатидан ривожланган бошқа давлатлар билан ташқи савдо алоқалари ўзаро манфаатли асосда ривожлантирилади. Капиталистик мамлакатлардан компенсация битимлари асосида асбоб-ускуналар ва материаллар етказиб берилади. Ўз навбатида СССР компенсация асосида қурилаётган мана шу заводларнинг маҳсулотини мазкур мамлакатларга экспорт қилади.

Сўзининг охирида докладчи бундай деди: белгиланган программани бажариш учун омманинг ижодий активлигини янада ошириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, бутун куч-ғайратни экономика ривожидаги қийинчиликлар ва камчиликларни тугатишга қаратиш, кадрларнинг ўзларига топширилган иш учун шахсий масъулиятини ошириш, иқтисодий тежашга ва давлат интизомига қаттиқ риоя этиш керак бўлади.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақани кенг авж олдириб юборишдилар, бригадалар, цехлар, корхоналар ишининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш юзасидан социалистик мажбуриятлар қабул қилмоқдалар. Бу эса ишлаб чиқаришни ўстиришнинг қўшимча резервларини аниқлаш, ишлаб чиқариш қувватлари ва материал ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш имконини беради. Ўн биринчи беш йиллик биринчи йили планини муваффақиятли бажариш учун шароит яратади. (Қарсаклар).

СССРНИНГ 1981 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ҲАМДА СССРНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДА

СССР молия министри депутат В. Ф. ГАРБУЗОВ доклади

СССР Министрлар Совети СССРнинг 1981 йил — ўн биринчи беш йиллик биринчи йили Давлат бюджетини муҳокамангиз ва тасдиқлашингизга тақдим этади. Келгуси йил мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жуда катта воқеа — КПСС XXVI съезди чақириладиган йил сифатида алоҳида диққат эътиборга сазовордир. Съезд коммунистик қурилишнинг навбатдаги босқичидаги курашнинг стратегияси ва тактикасини белгилайди.

Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида коммунистик қурилишда янги, жуда катта муваффақиятларга эришилди. Бу йил партия ленинча ички ва ташқи сиёсатининг тантана қилганлигини, КПССнинг XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари ишлаб чиққан сиёсий йўлнинг тўғрилиги ва ҳаётийлигини яққол тасдиқлайди.

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети 1980 йил июнь Пленумининг қарорини сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати юксалган бир вазиятда кутиб олдилар. Ана шу зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати партия билан халқнинг монолит бирлигини, уларнинг замонамизнинг атоқли давлат ва сиёсий арбоби ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет ва унинг ленинчи Сиёсий бюроси теварагига маҳкам жипслашганлигини яна бир марта намойиш қилади.

Бу йил КПСС Марказий Комитети ва СССР ҳукумати бажарган зўр ташкилотчилик ва сиёсий иш туфайли, меҳнаткашларнинг съезд олди мусобақаси кенг авж олганлиги туфайли мамлакат хўжалик ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида, давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасида янги муваффақиятлар қўлга киритилди. Миллий даромад ва саноат ишлаб чиқаришнинг мутлақ ўсиши 1979 йилдагига нисбатан орта бўлди. Техника тараққиётини белгиловчи тармоқлар тез суръатлар билан ривожланди.

Қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган комплекс программаси изчил амалга оширилмоқда. Ноқулай келган об-ҳаво шароитларининг таъсирига қарамай, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва ҳарид қилишни кўпайтиришга эришилди. Бу эса партиянинг социалистик экономиканинг ҳаётий муҳим соҳаси бўлган қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга қаратилган йўли тўғри ва самарали эканлигини тасдиқлайди.

КПСС XXV съезди белгилаб берган социал программанинг планли амалга оширилаётганлиги партия ва ҳукуматнинг совет кишилари бахт-саодати тўғрисида чинакам ленинча ғамхўрлик қилаётганлигини ифода этади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш негизида ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи ва колхозчиларнинг меҳнат ҳақи кўпайди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг моддий-маиший шароитлари яхшиланди. Халқ хўжалигида пенсионерларнинг ишини моддий жиҳатдан рағбатлантириш тадбирлари амалга оширилди. Ижтимоий истеъмол фондларидан аҳолига бериладиган тўлов ва имтиёзлар анча ортди. 1980 йилда бу фондларнинг умумий ҳажми 116,5 миллиард сўмга етади ва 1979 йилдагига нисбатан 5,7 процент кўпаяди. Чакана товар оборoти 14,7 миллиард сўм ортади ва тахминан 267 миллиард сўмни ташкил этади. Жами саҳни 108 миллион квадрат метрдан зиёд уй-жой қурилди. Бу эса 10 миллиондан зиёд кишининг уй-жой шароитларини яхшилаш имконини берди.

Халқ хўжалигининг муттасил барқарор ривожланиши СССР 1980 йилги Давлат бюджетининг даромадлари бўйича 100,3 процент ва ҳаражатлар бўйича 99,6 процент бажарилишини таъминлайди.

Хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятларимиз халқ хўжалигида бундан буён самарали иш олиб бориш учун мустаҳкам асос вужудга келтиради ва ўн биринчи беш йилликнинг муваффақиятли бошланишини таъминлайди.

Коммунистик партия, деди докладчи, совет халқини эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланишга, барча куч, бутун ижодий ташаббус ва ғайратни коммунистик бунёдкорликнинг янги улуғвор планларини амалга ошириш учун сафарбар қилишга даъват этмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг СССР Олий Совети сессияси арафасида бўлиб ўтган Пленуми СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани ва Давлат бюджети лойиҳаларини кўриб чиқиб, асосан маъқуллади. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қилинган ишларни якунлаштирди, экономикани ривожлантиришнинг асосий проблемаларини ва хўжалик ҳамда маданий қурилиш соҳасидаги стратегик вазифаларни белгилади.

СССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь ва 1980 йил июнь Пленумлари қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳозирги босқичда партия ва Совет давлатининг иқтисодий сиёсатига доир туб масалалар ҳақида сўзлаган нутқлари асосида ишлаб чиқилди. Партия сиёсати бутун экономикани интенсив ривожлантиришнинг қатъий йўлини белгилаб беради, куч ва маблағларни экономиканинг асосий, ҳаётий муҳим бўғинлари — ёқилғи-энергетика комплекси, транспорт, металлургия, машинасозлик, химия, қишлоқ хўжалигини ва «Б» саноат группасини илдам юксалтиришга тўплашни кўзда тутади.

Бюджет 1981 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани лойиҳасига мувофиқ тузилди ва халқ хўжалигини янада ривожлантириш, халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини ошириш, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашни зарур маблағлар билан таъминлайди.

Бюджет даромадлари 298,2 миллиард сўм, ҳаражатлар 298 миллиард сўм миқдорида белгиланди. Улар шу йилнинг тасдиқланган планига нисбатан 4,7 процент ортади.

Социалистик хўжаликдан олинадиган тушумлар даромадларнинг ҳал қилувчи манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Бюджетдаги барча ресурсларнинг ўндан тўққиз қисми уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Корхоналарнинг ўз маблағлари ва банкларнинг кредитларини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалигини пул билан таъминлаш учун 304,3 миллиард сўм сарф қилинади. Бу — шу йилдагига нисбатан 12,4 миллиард сўм ортиқдир. Ана шу катта маблағлар планга мувофиқ мамлакатнинг асосий ишлаб чиқариш фондларини кўпайтиришни, ишлаб турган корхоналарни янгилаш ва реконструкция қилишни, уларни илғор техника билан таъминлашни, оборот фондларини зарур миқдорда ўстиришни таъминлайди.

Партиянинг совет халқи турмушини яхшилашга қаратилган бош йўли, деб таъкидлади докладчи, план ва бюджетда ўзининг ёрқин ифодасини топди. Аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда 2,9 процент ортди. Ижтимоий истеъмол фондлари 5 миллиард сўм кўпайиб, 21,5 миллиард сўмни ташкил этади. Халқ фаровонлигини ошириш юзасидан марказлаштирилган тартибдаги тадбирларни амалга ошириш учун 900 миллион сўм ажратиб берилади.

1981 йилда илгари аҳоли ва колхозлар ўртасида тарқатилган давлат ички заёмлари облигацияларини 1,5 миллиард сўм миқдорда қоплаш учун тираж ўтказиш мўлжалланади.

Коммунистик партия ва Совет давлати аҳолининг уй-жой шароитларини янада яхшилашга катта эътибор бермоқдалар. 1981 йилда уй-жой қурилишига 18,7 миллиард сўм, ёки шу йилдагига нисбатан 500 миллион сўм кўпроқ маблағ ажратиб бериш кўзда тутилади. Бу эса жами саҳни 109 миллион квадрат метрга яқин уй-жойни фойдаланиш учун топшириш имконини беради ва 10 миллиондан зиёд кишининг уй-жой шароитларини яхшилашни таъминлайди.

Партия ва ҳукумат Ватан фанини ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Келгуси йилда илмий тадқиқотлар ўтказиш учун қилинадиган харажатлар 6,1 процент ортади ва 22,6 миллиард сўмни ташкил қилади.

КПСС ва Совет давлати социалистик жамиятнинг энг муҳим вазифаларидан бири — атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш вазифасини изчил ҳал этишга катта эътибор бермоқдалар. СССР Олий Совети бу йил табиатни муҳофаза этиш юзасидан янги муҳим қонунларни қабул қилди. Бу қонунларнинг талабларига мувофиқ равишда 1981 йилда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, саноат чиқиндиларини зарар етказмайдиган ҳолга келтириш, ихога дарахтзорларини кенгайтириш ва ўрмонларни тиклаш, ерларни яна деҳқончиликка яроқли ҳолга келтириш ва бошқа бир қанча тадбирларни амалга ошириш учун 6 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратиб берилади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган социалистик мамлакатлар ишлаб чиққан стратегия — ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва ихтисослаштириши кенгайтириш ҳамда халқаро социалистик меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш асосида миллий экономикаларнинг ўзаро маҳкам алоқа боғлаш стратегияси келгуси йил план ва бюджетининг кўрсаткичларида тўлиқ акс эттирилди. Ажратиб бериладиган ресурслар ва моддий-техника воситалари ҳамкорликнинг узоқ даврга мўлжалланган тармоқ программаларини бажариш юзасидан интеграция тадбирлари кенг комплексини амалга ошира бориш имконини беради. Бу тадбирлар қардош социализм мамлакатларининг социал-иқтисодий тараққиётида янги юксак марраларга эришишнинг мустаҳкам ва тўғри йўлини амалга оширишни таъминлайди. Ривожланаётган давлатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик кўламларини кенгайтириш, саноати тараққий этган капиталистик мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилиш ва амалий алоқаларни давом эттириш кўзда тутилади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг янги беш йиллик биринчи йилига мўлжалланган планлари жамиятимизнинг барча соҳаларда янада ривожланиши, коммунистик қурилиш йўлидан комил-ишонч билан олға ҳаракат қилиб бориши учун кенг имкониятлар очиб беради, деди докладчи. Бу планлар партия билан давлат ички ва ташқи сиёсатининг ленинча принципларга асосланади ва тамомила тинчлик мақсадларини ёрқин ифода этади. Совет халқининг Улуғ Ватанимиз шон-шуҳрати йўлидаги бунёдкорлик меҳнати бу планларга асос қилиб олинган.

1981 йил плани ва бюджетида саноатга барча манбалар ҳисобидан 162 миллиард сўмдан ортиқ, ёки халқ хўжалигига сарфланадиган барча маблағларнинг ярмидан кўпроғи ажратиб берилади. Шу маблағлар ҳисобига янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, ишлаб турган кўп корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш кўзда тутилади. Асосий тармоқларни — энергетикани ва бутун ёқилғи — энергетика комплексини, металлургия, машинасозлик ва химияни модернизация қилиш асосида ишлаб чиқаришнинг сифат структурасини такомиллаштириш соҳасида кенг кўламда иш олиб борилади. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 4,1 процент кўпайтирилади.

1981 йилда ажратиб бериладиган маблағларнинг асосий қисми—133,5 миллиард сўм оғир саноатни ривожлантириш учун сарф қилинади. Партия оғир саноатни бутун социалистик экономиканинг негизи деб ҳисоблайди. 36 миллиард сўмга яқин маблағ умумдавлат энергетика программасини изчил амалга ошириш учун ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларига ажратиб берилди.

КПСС XXV съезднинг қарорларига мувофиқ, 1981 йил плани ва бюджетида «Б» группасидаги саноат тармоқларини илдам ривожлантириш кўзда тутилган. Аҳоли учун мол ишлаб чиқарадиган енгил саноат, озиқ-овқат, гўшт, сут саноати ва бошқа тармоқларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш мақсадида 28,5 миллиард сўм ажратиб берилди. «Б» группасидаги саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 4,2 процент ортади.

Планга мувофиқ, саноат ишлаб чиқаришини ошириш зарур моддий ва молиявий ресурслар билан таъминланади.

Сўнгра докладчи иқтисодий рағбатлантириш фондларидан самарали фойдаланиш йўлларига, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш вазифаларига батафсил тўхталиб ўтди.

Меҳнат унумдорлигини муттасил ўстириш — ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва жамғармаларни кўпайтиришнинг ҳал қилувчи шартидир. 1981 йилда саноатда меҳнат унумдорлиги умуман 3,6 процент ортиши керак. Бу эса саноат ишлаб чиқариши ҳажми бутун ўсишининг 88 процентини таъминлайди ва меҳнат ресурсларини анча тежаш имконини беради.

1981 йил плани ва бюджетида 41 миллион тонна шартли ёқилғини тежаш, металл ва хом ашёнинг бошқа турлари ҳамда материалларнинг тежалишини таъминлаш кўзда тутилган. Бу эса ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва фойдани 1 миллиард сўм миқдорида кўпайтириш имконини беради.

Сўнгра докладчи халқ хўжалиги етакчи тармоқларини ривожлантириш йўлларига тўхталиб ўтди.

1981 йилда транспорт ва алоқанинг ҳамма турларини янада ривожлантириш учун 28,3 миллиард сўм ажратиб берилади ёки бу маблағ 8,7 процент кўпайтирилади. Шу маблағлардан 9,4 миллиард сўм темир йўл транспортига сарф қилинади.

Ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш йўли муттасил амалга оширилмоқда. Бу йўл иш самарадорлиги ва сифатини оширишнинг энг муҳим резерви деб ҳисобланади. 1981 йилда хўжалик юритишнинг янги шарт-шароитларига ўтиш билан боғланган тадбирлар амалга оширилади. Бу тадбирлар КПСС Марказий Комитетининг «Хўжалик механизмини янада такомиллаштириш ва партия ҳамда давлат органларининг вазифалари тўғрисида»ги қарорида ҳамда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати КПССнинг қишлоқ хўжалигини барқарор юксалтиришни таъминлашга қаратилган ленинча аграр сиёсатини муттасил амалга оширмоқдалар. Бу эса давримизнинг стратегик вазифаси — аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ва ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳамда саноатнинг қишлоқ хўжалик хом ашёсига бўлган эҳтиёжларини тобора тўлароқ таъминлаш вазифасини изчил ҳал этиш имконини беради.

1981 йил плани ва бюджетида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, колхоз ва совхозларни материал-техника билан таъминлашни кучайтириш кўзда тутилган. Бюджет, банк кредитлари ва совхозларнинг маблағлари ҳисобига қишлоқ хўжалигига 51,6 миллиард сўм ажратиб бериш белгиланди. Бундан ташқари, колхозларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун қарийб 20 миллиард сўм сарф қилинади.

Бутун комплекс бўйича қишлоқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағларнинг умумий ҳажми 37,3 миллиард сўм миқдорида белгиланди. Колхоз ва совхозлар шу маблағлар ҳисобига чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, янги чорвачилик биноларини, йўлларни қуриш, ишларни тобора кенг қўламда механизациялаш, ерларни химиялаш ва мелиорациялаш, қишлоқда маданий-маиший қурилиш тадбирларини амалга оширадилар. Колхоз ва совхозларга янги техникани, минерал ўғитларни ва бошқа моддий-техника воситаларини кўпроқ етказиб бериш мўлжалланди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, 1981 йилда РСФСРнинг Нўқоратўпроқ зонасида ишлаб чиқариш ва маданий-маиший қурилиш соҳасида янада катта ҳажмдаги иш амалга оширилади. Бу тадбирлар учун 8,2 миллиард сўм ажратиб берилади.

План ва бюджетда ажратиб бериладиган моддий ва молиявий ресурслар келгуси йилда колхоз ва совхозларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш планини бажариш учун зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилишини таъминлайди.

Докладчи қуйидагиларни маълум қилди: 1981 йилда давлат томонидан ажратиб бериладиган капитал маблағларни пул билан таъминлаш учун 124,1 миллиард сўм ажратилади. Бу — шу йил планига нисбатан қарийб 5 миллиард сўм ортиқдир. Партия билан ҳукуматнинг талабларига биноан, бу ресурслар оғир индустрия, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, транспортнинг ишга тушириладиган энг муҳим иншоотларига тўпланади. Энергетика, металлургия, машинасозлик, химия саноатида, саноатнинг «Б» группасида асосий фондларни анча ўстириш кўзда тутилади. Капитал маблағларнинг берадиган самарасини ошириш ва уларни қоплаш муддатларини қисқартириш учун план ва бюджетда ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш ҳажмларини кенгайтириш тадбирлари белгиланди.

Совет кишиларининг моддий ва маданий турмуш даражасини янада ошириш тадбирлари белгиланди. Миллий даромад ресурсларини, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни ва манший хизмат ҳажмини ўстиришнинг планлаштирилаётган даражаси аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадларни 2,9 процент ошириш имконини беради. Ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ойлик иш ҳақи 171 сўмга, колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ўртача ойлик ҳақ эса 123 сўмга етказилади. Ижтимоий истеъмол фондлари 1981 йилда 121,5 миллиард сўмни ташкил қилади.

Мамлакат районларида қурилиш ва темир йўл транспортидаги асосий фаолият ходимларининг узоқ йил ишлаганлиги учун қўшимча ҳақ тўлашни жорий этиш давом эттирилади. Бундай тўловлар Темир йўллар министрлиги саноат корхоналарининг ходимлари учун ҳам жорий қилинади. Айрим тармоқларда ва мамлакатнинг айрим районларида иш ҳақига район коэффициентлари анча кенг миқёсда қўлланиладиган бўлади. Дарё транспортининг асосий фаолияти ходимларига тунги иш учун қўшимча ҳақ қўпайтирилади ва бошқа имтиёзлар белгиланади. Қишлоқ жойлардаги участка касалхоналари ва амбулаторияларининг врачларига, шаҳар поликлиникаларининг участка терапевтлари ва педиатрларига ҳамда соғлиқни сақлаш бошқа баъзи муассасаларининг бир қанча категориядаги врачларига мазкур соғлиқни сақлаш муассасасида уч йилдан ортиқ узлуксиз ишлаганлиги учун иш ҳақига ойлик устама жорий этилади.

Болали оилаларга ёрдамни кучайтиришга ва аҳолини пенсия билан таъминлашни яхшилашга оид бир қатор тадбирлар кўзда тутилди.

Давлат ички заёмларининг илгари чиқарилган облигациялари ҳақини тўлаш давом эттирилади.

Аҳолининг даромади ва халқ истеъмол қиладиган моллар ресурслари кўпайишини ҳисобга олиб, давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборoти 280 миллиард сўмлик ҳажмда ялпи бу йилгидан 4,9 процент кўп қилиб белгиланди.

Уй-жой қурилиши программасини амалга ошириш давом эттирилади. Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига жами аҳоли 108,9 миллион квадрат метр келадиган уй-жой бинолари қуриш белгиланди. Бу эса 10 миллиондан ортиқ кишининг уй-жой шароитларини яхшилаш имконини беради. Шаҳарда яшовчи ҳар бир кишининг квартиралар умумий саҳни билан ўртача таъминланиши 13 квадрат метрга етказилади.

Планда қишлоқлардаги уй-жой ва маданий-маиший қурилиш ҳажмини 6,9 миллиард сўмликкача етказиш мўлжалланди. Колхоз ва совхозлардаги уй-жой бинолари шахсий томорқа хўжалигини юритиш учун ҳовлидаги хўжалик иморатлари билан комплекс тарзда қурилади.

Коммунал хўжаликни кенгайтириш учун 17 минг километрдан зиёд водопровод, канализация, иссиқлик ва газ тармоқлари қурилиши лозим.

Халқ маорифи, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш янада ривож топади.

Давлат капитал маблағи ва коммунистик шанбаликлардан тушган маблағ ҳисобига 900 минг ўринли умумий таълим мактаблари, шу жумладан қишлоқ жойларда 424 минг ўринли, колхозларнинг маблағи ҳисобига эса 140 минг ўринли умумий таълим мактаблари қуриш белгиланди. Кундузги умумий таълим мактабларида 1981/82 ўқув йилида 39 миллиондан ортиқ киши таълим олади. Куни узайтирилган мактаблар ва группаларга 11 миллиондан ортиқ ўқувчи қатнайдиган бўлади.

Доимий мактабгача тарбия муассасалари, жумладан колхозлардаги шундай муассасалар 15 миллиондан ортиқ болани қабул қилади.

1981 йилда ҳамма типдаги ҳунар-техника билим юртларида қариб 2,4 миллион малакали ишчи тайёрланади. 2,1 миллион олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассис тайёрлаб чиқарилади.

Давлат капитал маблағи ва коммунистик шанбаликлардан тушган маблағ ҳисобига янги касалхоналар ва амбулатория-поликлиника муассасалари қурилади. Санаторийлар, пансионатлар, дам олиш уйлари, туристик муассасалар, пионер лагерлари кўпайтирилади ва кенгайтирилади.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

Коммунистик партия билан Совет ҳукумати табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш сингари муҳим иқтисодий ва социал проблемага катта эътибор бермоқдалар. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига давлат капитал маблағидан 1,8 миллиард сўм сарфлаш белгиланди, деди докладчи. Корхоналар, колхозлар ҳамда бошқа хўжаликлар ва жамоат ташкилотлари ҳам бу ишга катта маблағ ажратадилар.

Бундан ташқари ўрмонларни кўпайтиришга, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва қўриқлашга давлат бюджетидан 950 миллион сўм сарф қилинади.

Тозалаш иншоотлари қурилиши билан бирга планда табиий муҳитни булганишдан ҳимоя қилиш учун биосферага зарарли моддалар чиқарилишига йўл қўймайдиган ёки уни камайтирадиган технология жараёнларини барпо этишдек муҳим тадбир белгиланган.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУЧЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Яхлит халқ хўжалик комплексининг таркибий қисми бўлмиш ҳар бир иттифоқдош республика ўз хўжалигининг таркиб топган ихтисослашувига яраша мамлакат экономикасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Докладчи ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва уларнинг хўжалигини ривожлантиришнинг баъзи масалалари тўғрисида гапирди.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида давлатнинг фаолияти СССР ва бутун социалистик ҳамдўстлик экономикасини мустаҳкамлашга, жаҳон социализм системаси мамлакатларини жипслаштиришга, тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш манфаатларини кўзлаб халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

1981 йилда Совет Иттифоқининг ташқи савдосида социалистик мамлакатларнинг устунлик роли сақланиб қолади, уларнинг СССР ташқи савдо оборотидаги салмоғи бу йилги 52 процентдан 55 процентга етади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ IV СЕССИЯСИ

СССРНИНГ 1981 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ҲАМДА СССРНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДА

(Боши учинчи бетда).

Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари тинчликсеварлиги ва яхши ниятларини бутун жаҳонга намойиш қилмоқдалар, тинчлик соҳасида янги ташаббуслар билан майдонга чиқмоқдалар, ялпи қуролсизланиш ва халқаро кескинликни юмшатишга эришиш учун амалий йўлларни кўрсатиб бермоқдалар, деди докладчи.

Аммо АҚШнинг урушқоқ доралари ва уларнинг империалистик НАТО блокидаги маслакдошлари «совет ҳарбий хавфи» борлиги тўғрисидаги сохта сафсаталарга таяниб, кескинликни юмшатиш объектив жараёнига ҳалақит бериш учун ҳар қандай йўллар билан интилмоқдалар, қурол-яроғларни кўпайтириш йўлини ошкора ўтказиб келмоқдалар ва ҳарбий бюджетларини бениҳоя кўпайтирмоқдалар.

Ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати чинакам ленинча сабот-матонат, қатъият ва принципиаллик билан иш кўрмоқдалар, тинчликни сақлаш ҳамда халқлар хавфсизлигини таъминлаш йўлини қатъиян ҳимоя қилмоқдалар ва бу йўлни ўтказиб келмоқдалар.

Совет давлати қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ҳарбий ва сиёсий кескинликни юмшатиш учун қатъий курашни оғишмай давом эттирмоқда. Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилмоқда. СССРнинг 1981 йилги Давлат бюджетида мамлакат мудофааси учун 17,05 миллиард сўм харажат қилиш кўзда тутилган. Бу — бюджет харажатларининг 5,7 процентини ташкил этади.

Докладчи бошқарув аппаратини янада такомиллаштириш ва арзонлаштириш ҳамда бошқарув харажатларида қаттиқ тежамкорликни таъминлаш тадбирларига батафсил тўхталиб ўтди. Шу муносабат билан СССРнинг 1981 йилги Давлат бюджетида 1,1 миллиард сўмлик маблағни тежаш кўзда тутилди.

1981 йилда молия-кредит системаси зиммасига катта ва масъулиятли вазифалар юкланади. Партия ва ҳукуматнинг қарорлари асосида молия-кредит механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш, шу асосда халқ хўжалигидаги мавжуд резерврларни янада сафарбар қилишни таъминлаш, давлат маблағларини эҳтиёт қилиб, тежаб сарфлаш устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш зарур.

Партия ва ҳукумат ҳар бир иттифоқдош республикада иқтисодий қурилишнинг юксак суръатларини таъминлашга ва Совет Иттифоқидаги барча қардош халқларнинг фаровонлигини оширишга қаратилган ленинча милий сиёсатни изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

1981 йилда иттифоқдош республикалар халқ хўжалигини янада жадал ривожлантириш, кўп миллатли жамиятимиз иқтисодий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини ҳар томонлама юксалтириш кўзда тутилади. Иттифоқдош республикаларнинг бюджетлари жами 130,7 миллиард сўм миқдорида, ёки шу йилдагига нисбатан 8,3 миллиард сўм кўпроқ миқдорда белгиланади.

1981 йилда кўзда тутилган ресурслар иттифоқдош республикаларнинг кўп тармоқли хўжалигини янада ривожлантириш, халқ фаровонлигини муттасил ошириш, аҳолининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан планда мўлжалланган тадбирларни тўлиқ амалга оширишни таъминлайди.

СССР Министрлар Совети СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни СССР Олий Советининг тасдиғига тақдим этади. Бюджет даромадлар бўйича планга нисбатан 100,7 процент ва харажатлар бўйича 99,0 процент бажарилди.

Докладчи сўзининг охирида бундай деди: КПССнинг XXVI съезди ўз ишини бошлайдиган кунгача тўрт ой қолди. Совет кишилари ажойиб анъанага кўра, партия съездини зардоб меҳнат вахтасида кутиб олмоқдалар. Улар юксак умидворлик ва келажакка комил ишонч туйғулари билан тўлиб-тошганлар. Партиянинг йўли — тинчлик ва тараққиёт йўли, Ватанимизнинг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтириш, халқ фаровонлигини ошириш йўлидир.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари жонажон Коммунистик партиянинг синалган раҳбарлигида КПСС XXVI съездини сиёсий активлик ва меҳнат ғайратини ғоят юксалтириш билан ишонтирмоқдалар, ўн биринчи беш йиллик биринчи йили плани ва бюджетини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажарадилар. Бунга шак-шубҳа йўқ. **(Қарсаклар).**

ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛНИНГ ШАХДАМ ОДИМЛАРИ

(Боши биринчи бетда)

	1980 йилнинг тўқиз ойида ишлаб чиқарилди	1980 йил тўқиз ойида 1979 йил тўқиз ойига нисбатан процент ҳисобида	
Электр энергия — миллиард киловатт-соат	24,4	99,4[1]	
Минерал ўғит (шартли бирликларда минг тонна)	4758	99,4	
Моногидрат тарзидаги олтингугурт кислотаси — минг тонна	1176,5	106	
Синтетик смола ва пластмассалар — минг тонна	27,6	103	
Синтетик кир ювиш воситалари — минг тонна	22,4	109	
Кучланиш трансформаторлари — минг киловольт-ампер	5291	104	

[1]) Қўшни энергетика системаларидан арзон электр энергия олиш кўпайганлиги туфайли электр энергия ҳосил қилиш камайди.

	маҳсулот ҳажми юзасидан белгиланган тўқиз ойлик планнинг бажарилиши процентида	1980 йил январь-сентябрида 1979 йил январь—сентябрига нисбатан процент ҳисобида: ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги
Қорақалпоғистон АССР	102	139	140,5
Андижон области	101	109	106,0
Бухоро области	102	102	95,5
Жиззах области	103	116	106,9
Қашқадарё области	102	117	113,3
Наманган области	102	101	97,6
Самарқанд области	102	111	107,7
Сурхондарё области	102	105	99,9
Сирдарё области	100,1	115	103,4
Тошкент области	102	104	100,6
Фарғона области	101	101	98,4
Хоразм области	100,8	126	119,9
Тошкент шаҳри	102	107	105,3

Маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

	1980 йилнинг тўқиз ойида ишлаб чиқарилди	1980 йил тўқиз ойида 1979 йил тўқиз ойига нисбатан процент ҳисобида
Электр энергия — миллиард киловатт-соат	24,4	99,4[1]
Минерал ўғит (шартли бирликларда минг тонна)	4758	99,4
Моногидрат тарзидаги олтингугурт кислотаси — минг тонна	1176,5	106
Синтетик смола ва пластмассалар — минг тонна	27,6	103
Синтетик кир ювиш воситалари — минг тонна	22,4	109
Кучланиш трансформаторлари — минг киловольт-ампер	5291	104
Бронекабель — минг километр	14,0	103
Компрессорлар — дона	5283	106
Трактор прицеплари — минг дона	27,9	103
Трактор культиваторлари — минг дона	15,4	103
Пахта териш машиналари (физик бирликларда) — дона	6924	102
Осма электр кранлар (махсус кранлар ҳам шу жумлага киради) — дона	1038	103
Экскаваторлар — дона	1095	98
Қоғоз — минг тонна	18,5	97
Картон — минг тонна	37,4	96
Йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар — минг кубометр маҳсулот	3372	104
Шифер — миллион шартли тахта	206	105
Пахта толаси — минг тонна	1086,4	115
Хом ипак — тонна	1250	102
Каноп толаси — минг тонна	25,1	113
Пайпоқлар — миллион жуфт	32,6	103
Устки трикотаж — миллион дона	13,9	101
Чарм пойабзал — миллион жуфт	22,9	105
Гўшт (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна	92,5	108
Колбасалар — минг тонна	38,8	104
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари сут ҳисобида (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна	346,2	105
Мол ёғи (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна	9,3	108
Кондитер маҳсулотлари — минг тонна	103,1	107
Консервалар — миллион шартли банка	598	121
Чинни-фаянс идишлар — миллион дона	56,7	117

Ўтган йилнинг тўққиз ойига нисбатан машинасозлик маҳсулотининг бир қанча турлари, шунингдек халқ истеъмол қиладиган моллар: пайпоқ, чарм пойабзал, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайди.

Республика саноатида фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, машина-ускуналардан, хом ашё ва материаллардан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқариш рентабеллигини ўстириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини ошириш иши давом эттирилди. Олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1979 йилнинг тўққиз ойига нисбатан 1,2 баравар кўпайди. Янги илғор технология жараёнлари ўзлаштирилди, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш амалга оширилди. 544 та ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхона ҳозирнинг ўзидаёқ ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатлари юзасидан белгиланган беш йиллик планни бажарди.

Шу билан бирга айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, фойда олиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, товар маҳсулот таннархини камайтириш, маҳсулотнинг зарур турларини юқори сифатли қилиб ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқларни бажармади. Янги ишга туширилган айрим қувватлар суст ўзлаштирилди ва улардан тўла-тўкис фойдаланилмади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

Владимир ЛИПКО (Липкин)



Таниқли ёзувчи, ўзбек адабиётининг истеъдодли таржимони, 1939 йилдан СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси Владимир Александрович Липко (Липкин) қисқа муддатли касалликдан сўнг 1980 йилнинг 22 октябрида 69 ёшида вафот этди.

В. А. Липко 1912 йили Коломна шаҳрида туғилди. Мактабни битиргандан сўнг ишчи терувчи ва чизмакаш, кейин эса 1934 йилдан бошлаб вақтли матбуотда ходим, Ўзбекистон нашриётларида редактор, республика Ёзувчилар союзида адабий консультант бўлиб ишлади.

1932 йилдан В. А. Липко ўзини бутунлай совет адабиётига бағишлайди. Талантли сўз устаси ўзининг бутун ҳаёти ва ижоди билан Ўзбекистонга қаттиқ боғланган эди. У бирин-кетин «Май мадҳияси», «Қилич ва қўшиқ», «Дўстлар даврасида», «Икки достон», «Тинчлик вахтасида» шеърий тўпламларини яратди. Бу тўпламлар Ўзбекистон адабиётида сезиларли воқеа бўлди.

В. А. Липко қаламига «Довгялло оиласининг тугаши», «Синов кузда бошланади», «Коптелов муаллифни қутқаради» сингари қатор драматик асарлар мансубдир. Шунингдек у, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилишига бағишланган «Алангали йиллар» бадиий фильмининг сценарийсини (Н. Юденич билан ҳамкорликда) ёзди. Унинг «Сенинг ғалабанг» романи катта шуҳрат қозонди.

Ёзувчининг ранг-баранг, чуқур ғояли, сермазмун асарлари китобхонларнинг кенг эътиборини қозонган. У халқлар дўстлиги ва қардошлигини завқ-шавқ билан куйлади, унинг китоблари совет кишиси ҳақида, совет турмуш тарзи ҳақида илҳом билан ҳикоя қилади.

В. А. Липко бадиий таржима соҳасида ҳам самарали ижод қилди. У ўзбек классик адабиётининг кўпгина асарлари, шу жумладан А. Навоий, Машраб, Муқимий, Фурқат ғазаллари ҳамда Ҳамза, Ғ. Ғулом, Миртемир ва бошқаларнинг шеърларини рус тилига моҳирона таржима қилди.

В. А. Липко ижодий ишини жамоат ишлари билан қўшиб олиб борди, ёш адабиётчиларни тарбиялашда фаол қатнашди. Адабий ва жамоатчилик фаолияти учун у «Ҳурмат Белгиси» ордени, СССР медаллари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди.

Ажойиб қалбли инсон, юксак гражданлик бурчига эга бўлган истеъдодли ёзувчининг ёркин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. Р. Рашидов, О. У. Салимов, Р. Ҳ. Абдуллаева, О. А. Тўраев, К. Н. Яшин, Ш. С. Аляднов, Р. Бобожон, Г. П. Владимиров, Ҳ. Ғулом, Зулфия, Л. П. Қаюмов, Т. Қанибергенов, Миртемир, А. Мухтор, Н. Нарзуллаев, Б. С. Пармузин, Н. Сафаров, Т. Тўла, Уйғун, Р. Файзий, М. И. Шевердин, А. А. Удалов, И. Ю. Юсупов.

ЎЗБЕКИСТОН НАМОЯНДАЛАРИ НОРВЕГИЯДА

ОСЛО, 22 октябрь. Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти делегацияси совет маданияти кунларида қатнашмоқ учун «Норвегия — СССР» дўстлик жамиятининг таклифига биноан бу ерга келди. Делегацияга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов бошчилик қилмоқда.

Бу йил Ўзбекистонга бағишланган совет маданияти кунлари программасида «Баҳор» ансамблининг концертлари, амалий санъат, графика, болалар чизган суратлар кўргазмалари, шунингдек ўзбек халқи Совет ҳокимияти йилларида экономика ва маданият соҳасида эришган ажойиб муваффақиятларни тасвирловчи фотовиставкани ташкил этиш кўзда тутилган. «Баҳор» ансамбли Норвегиянинг олти шаҳарида концерт қўйиб беради. Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар корхоналарда бўладилар. Норвегия жамоатчилиги билан учрашадилар.

Бугун совет делегацияси иккинчи жаҳон уруши даврида Норвегияда ҳалок бўлган совет жангчилари ёдгорлиги пойига гуллар қўйди.

В. ПЕТРОВ.
(ТАСС мухбири).

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРДА

ТУНИС. 22 октябрь. (ТАСС). Қайруан шаҳри муниципал кенгашининг таклифига биноан, Тунисдаги шу шаҳар билан биродарлашган Самарқанд шаҳар ижроия комитетининг делегацияси бу ерга келди.

Совет Ўзбекистонидан борган делегация Тунисда ўн кунча бўлади. Визит программасига мувофиқ Самарқанддан келган делегация Қайруан ҳаёти билан танишади, мамлакат бўйлаб сафар ҳам қилади, Тунисниг расмий кишилари билан учрашади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аҳолини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишидаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР ДОСААФ Марказий Комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Михаил Александрович **Шмелевга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аҳолини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида актив иш олиб борганлиги ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Сирдарё область ДОСААФ комитетининг раиси ўртоқ Борис Иванович **Бучинскийни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республиканинг сув хўжалиги ташкилотларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан «Ўзгипроводхоз» лойиҳа институтининг директори ўртоқ Нурмат **Муҳиддиновни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

БУТУН КУЧ — ЙИҒИМ-ТЕРИМГА

● КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми қарорлари, ушбу Пленумда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг сермазмун нутқи республикамиз пахтакорларини янги зафарларга чорламоқда.

● Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига амалий иш билан жавоб берайлик!

● Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам йиғим-терим суръатини сусайтирмай, жасорат майдонида зўр уюшқоқлик кўрсатайлик, йил бўйи пешона тери тўкиб етиштирилган «оқ олтин»имизнинг ҳар бир граммини нест-нобуд қилмай териб олайлик!

21 ОКТЯБРЬ КУНИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ТАЙЁРЛАНГАН ПАХТА МИҚДОРИ 56 МИНГ 621 ТОННАНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. МАВСУМ БОШИДАН БУЁН ДАВЛАТ ХИРМОНИГА ТОПШИРИЛГАН ПАХТА 5 МИЛЛИОН 600332 ТОННА БЎЛДИ. ШУНДАН 298638 ТОННАСИ ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТАДИР.

◆ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Социалистик мажбуриятларни шараф билан бажарган районлар қаторига яна уч район қўшилди. Булар Жиззах областининг Октябрь районы, Самарқанд областининг Иштихон районы, Сирдарё областининг Ильич районы.

Октябрь районы тайёрлов пунктларига 41 минг тонна, Иштихон районы 65 минг тоннадан кўп, Ильич районы 65 минг тоннадан зиёд пахта топшириб берди.

◆ БЕШ ЙИЛЛИК — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«Главсредазирсовхозстрой» совхозларининг коллективлари пахта тайёрлаш бўйича беш йиллик программани муваффақиятли бажардилар. Онаватан хирмонига 2 миллион 63 минг тонна пахта топширилди. Чўлқуварлар ўнинчи беш йиллигининг якунловчи 1980 йили социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этишди. Тайёрлов пунктларига 420 минг тоннадан зиёд пахта, шу жумладан, 40 минг тоннадан кўп ингичка толали пахта етказиб берилди.

«Главсредазирсовхозстрой»нинг барпо этилаётган совхозларининг коллективлари давлатга дон, чорвачилик маҳсулотлари, пилла, мева ва узум топшириш бўйича мажбуриятларини муддатидан илгари адо этишди.

«Каракалпакирсовхозстрой» бошқармасининг қўрмидаги совхозлари беш йил ичида давлатга 1 миллион тоннадан кўп шоли топширдилар.

◆ БЕШ ЙИЛЛИКНИ БАЖАРГАНЛАР

ЖАРҚЎРҒОН РАЙОНИ.

Улуғ Октябрь байрами шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган район меҳнаткашлари катта ютуқни қўлга киритдилар. Давлатга 203 минг тонна пахта етказиб берилди.

«БУХАРАИРСТРОЙ» ТРЕСТИ.

КПСС XXVI съезди шарафига мусобақани қизитиб юборган трест коллективи ўнинчи беш йиллик топшириғини бажарди. Бош пудрат бўйича 140 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди.

◆ ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРГАНЛАР

ДЕНОВ РАЙОНИ.

Ҳосилдорлик 38,2 центнерни ташкил этди, хирмонга 70 минг тоннага яқин пахта топширилди.

ХОНҚА РАЙОНИ.

Якунловчи йил хирмонига 41 минг тонна пахта топширилди. Ҳосилдорлик гектаридан 39 центнер бўлди.

БОЛЬШЕВИСТИК РАЙОНИ.

Район бўйича тайёрланган пахта 41190 тонна бўлди.

БУВАЙДА РАЙОНИ.

Тайёрланган 40558 тонна пахтанинг 21500 тоннаси «зангори кема»ларда териб олинди.

◆ ҚОЛОҚЛИККА БАҲОНА ЙЎҚ

Фарғона областининг Тошлоқ ва Охунбобоев районларида машина ҳамда қўл терими қониқарсиз ташкил этилган. Бу районлар хўжаликларида йиллик планга нисбатан 1 процентдан кам пахта топширилгани. Пахта тайёрлашнинг умумий ҳажмига нисбатан тайёрланган пахта 75 процентни ташкил этади — ҳар икки районда ишнинг натижаси ана шундай.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ПАСАЙТИРМАЙЛИК

Йиғим-терим ишлари якунланиш бўсағасида Сурхондарё областининг Сариосиё ва Шеробод районларида суръат пасайтириб юборилди. 21 октябрь куни бу ерда машина терими энг паст меҳнат унумдорлиги қайд этилди. Шеробод районининг В. Қодиров номли, У. Юсупов номли, Н. Муродов номли совхозларида ҳар бир агрегат ҳисобига терилган пахта 3—4 тоннани ташкил этди.

Мазкур район далаларида 329 пахта териш машинасидан атиги 137 таси ишламоқда. Сариосиё районида ҳам машина терими яхши ташкил этилмаган. 21 октябрь куни 170 пахта териш машинасидан атиги 10 таси ишлатилди. «Боботоғ», «Дашнобод» совхозлари (Сариосиё районы), Ульянов номли (Қумқўрғон районы), «Шўрчи» совхози (Шўрчи районы) далаларига биронта машина чиқмади.

Хоразм областининг қатор районларида 20 октябрга нисбатан йиғим-терим суръати анча пасайтириб юборилди. Жумладан, Гурлан районида 21 октябрда олдинги кунга нисбатан 167 тонна, Хива районида 82 тонна кам пахта терилди. Ҳар бир теримчининг кунлик иш нормаси 29 килограммдан ошмади.

Қўшкўпир районы механизаторлари машинада пахта териш кунлик нормасини 1,3 тоннагача пасайтириб юборишди. Ҳазорасп районида 60 та агрегат бекор турди.

* * *

Сўнгги тўрт кун ичида Тошкент ва Самарқанд областининг дала меҳнаткашлари ҳосил тайёрлаш бўйича топшириқларни муваффақиятли бажаришга эришдилар.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам иш бир хил бормоқда, деб бўлмайди. Сурхондарё областида кейинги 4 кун ичида 12 минг тоннадан, Жиззах ва Наманган областининг ҳар бирида 6 минг тоннадан кам пахта топширилди.

Айрим областларда сўнгги пайтларда ҳосил йиғим-теримида бевосита иштирок этаётганларнинг сони кескин камайди. Масалан, Андижон областида далада ишловчиларнинг сони 60 минг кишига камайди. Бухоро ва Қашқадарё областлари далаларида ҳали ҳосил кўп бўлишига қарамай, теримчилар сони сезиларли даражада камайди.

Наманган областининг Учқўрғон районы пахтакорлари орқада қолишмоқда. Бу районда йиллик планга нисбатан 70 процентдан сал кўпроқ миқдорда пахта тайёрланди.

Тошлоқ районида ҳам дала ишлари графиги сезиларли равишда бузилмоқда. 153 пахта териш машинасидан 131 таси қантариб қўйилган. Кунлик пахта тайёрлаш планга нисбатан 0,86 процентни ташкил этиши ҳам тасодифий эмас.

* * *

Пахтакор ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми қарорларидан руҳланиб, якунловчи йил ҳосилини йиғиштириб, уни давлатга тезроқ топшириш учун мавжуд имкониятларни ишга солайлик! Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигини меҳнатда муносиб тухфалар билан кутиб олайлик!

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Горичилар, қаердасиз! 10.45 — Киносаёҳатчилар клуби. 11.45 — Монголия Халқ Республикаси давлат қўшиқ ва рақс ансамбли ижро этади. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — Революция плакати. 16.30 — Фильм-концерт. 17.35 — Орлёнок. 18.30— Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Жасорат. 20.00 — Концерт. 20.25 — Ўзингга бўюр. Бадиий фильм 1-серия. 21.30 — Время. 22.15 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (М) — «Спартак» (М). Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

I.

18.20 — Болалар учун фильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Беш йиллик — бизга, биз — беш йилликкка. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Илҳом. 20.30— Ахборот. 20.50 — Ўзбек артистлари ижросида Шарқ халқларининг куйлари 21.30 — Время. 22.15 — Хирмонингизга барака. 22.30 — Ў. Умарбеков. Отилмаган ўқ. Спектакль.

«Ўзсовпроф» раҳбарлиги, партия бюроси ва маҳаллий комитети «Ўзсовпроф» раиси Н. М. Маҳмудовага оғаси **Валентина Петровна ВАСИЛЬЕВанинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р. 02317. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64583. Б. — 244.